

ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Маматов Хабибулла Маматович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

«Аудит» кафедраси катта ўқитувчиси,

e-mail: xabibulla_1962@gmail.com

ORCID:0009-0005-8510-366X

IMPORTANT ISSUES OF THE ORGANIZATION OF THE OPERATIONAL ACTIVITY ACCOUNT

Mamatov Khabibulla Mamatovich – Senior Lecturer,

Department Audit of Tashkent State University of Economics

e-mail: xabibulla_1962@gmail.com

ORCID:0009-0005-8510-366X

Аннотация. Иқтисодиётни инновацион янада ривожлантиришида ташқи савдо операцияларини амалга оширувчи хўжалик субъектлари ва хорижий инвестицияларни жалб этувчи компаниялар сони ортиб бормоқда. Шу билан бирга, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш чоратадбирлари қабул қилинганлигига қарамай, операцион фаолият ҳисобини ташкил этиш асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, хорижий инвесторлар учун зарур ахборот муҳитини таъминлашга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Бугунги кунда рақобат тобора кучайиб бораётган бир шароитда тижорат ташкилотлари ўз бизнесларини юритиш учун замонавий, юқори технологияли ускуналарга муҳтожлиги ошиб бормоқда. Аксарият тижорат ташкилотларида зарур активларни сотиб олиш учун етарли молиявий ресурслари мавжуд эмас, шунинг учун операцион фаолиятда лизинг фаолиятини амалга ошириш бу муаммога ечим сифатида таклиф қилинади. Ушбу операцион лизинг тижорат ташкилотларига ускуна тўлиқ сотиб

олишдан кўра анча кам молиявий ресурслар сарфлаган ҳолда активлардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш имконини беради.

Бу эса операцион фаолият ҳисобини ташкил этишида аниқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича қўрилган чоралар натижасида йирик корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (International Financial Reporting Standards (IFRS-MXXC)) асосида тузишга ўтилгани, молиявий ҳисобнинг миллий тизимини халқаро талабларга уйғунлаштиришга эришиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича тизимли вазифаларни босқичма-босқич амалга оширишида долзарб вазифалардан ҳисобланди.

Мазкур мақолада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида операцион фаолият ҳисобини ташкил этиш ва унинг муҳим жиҳатлари, биринчи навбатда ташкил этишининг устувор бўлган вазифалар ҳамда уларнинг ечими бўйича хулоса ва таклифлар ёритилган.

Abstract. In the context of further innovative development of the economy, the number of economic entities conducting

foreign trade operations and companies attracting foreign investments is increasing. At the same time, despite the adoption of measures to introduce modern methods of corporate governance, systemic problems remain that prevent the organization of accounting based on international standards of financial reporting and the creation of an operational accounting system, as well as the provision of the necessary information environment for foreign investors. In an increasingly competitive environment, commercial organizations require modern, high-tech equipment to conduct their business. Often, commercial organizations lack sufficient financial resources to acquire the necessary assets. Operating leases offer a possible solution to this problem. Operating leases allow commercial organizations to obtain the right to use assets while spending significantly less financial resources than purchasing the equipment outright.

This is due to the fact that, as a result of measures taken to ensure accuracy and transparency in the organization of operating activity accounting, the financial statements of large enterprises have been prepared based on international financial reporting standards (International Financial Reporting Standards (IFRS)), achieving harmonization of the national financial accounting system with international requirements, and gradually implementing systemic tasks to increase human resources potential were considered urgent tasks.

This article describes the organization of operating activity accounts based on international standards of financial reporting and its important aspects, first of all the priority tasks of the organization and conclusions and suggestions on their solution.

Калит сўзлар: Оперцион фаолият, инвестицион фаолият, молиявий

фаолият, операцион даромадлар, операцион харажатлар, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС), "IT-бухгалтер-аудитор".

Keywords: Operating activities, investment activities, financial activities, operating income, operating expenses, financial reporting, international financial reporting standards (IFRS), "IT accountant-auditor".

Кириш.

Бугун кунда соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида бир қатор янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) ўтишининг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4611-сонли Қарори ва 2025 йил 15 сентябрдаги "Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-282-сон қарорларининг қабул қилиниши[2] бунга яққол мисол бўлади.

Шу ўрнда иқтисодий инновацион ривожлантиришда ҳар бир давлатдаги корхоналар ўз фаолиятларида экспорт ва импорт операциялари орқали харажатларни оптималлаштириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишлари мумкин. Жаҳон миқёсида ишончли бизнес ҳамкорларга эга бўлиш учун ҳар бир корхоналар барқарор ижобий молиявий ҳолатни таъминлаш, асосий даромад келтирувчи операцион фаолият самарадорлиги бўйича мунтазам тахлилий ишларни амалга ошириб бориши зарур.

Халқаро амалиётда МХХСлари асосида операцион фаолият ҳисобини ташкил этишнинг услубий асосларини такомиллаштириш борасидаги илмий

изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада молиявий ҳисоботнинг объектлари ҳисобланган активлар, мажбуриятлар, даромад ва харажатлар ҳамда уларнинг ўзгаришига сабаб бўлувчи молиявий-иқтисодий муомалаларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботда акс эттиришда ягона услубий тартибга эришиш [5], МХХСлари талабларига жавоб берадиган ҳисобот шакллари жорий этиш масалалари илмий тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади.

Мазкур операцион фаолият ҳисобини ташкил этишда МХХСларининг ўзаро мувофиқлигига эришилиб, йирик халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан молиявий ҳисобот компиляцияси асосида молиявий ҳисобот шакллари ҳамда бош компаниялар молиявий ҳисоботини консолидациялаш масалаларини ҳам ўрганиш замон талаби ҳисобланади. Аммо, молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида операцион фаолият ҳисобини ташкил этишнинг масалалари етарлича илмий тадқиқ этилмаганлиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Материал ва метод. Бугунги кунда йирик тижорат компаниялари ва акциядорлик жамиятларида операцион фаолият ҳисобини ташкил этиш асосида маҳсулотларни таннархини пасайтириш масалаларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда иқтисодчи олимларнинг асарларида кенг эътибор қаратилган.

Хусусан, мамлакатимизда ушбу соҳа мутахассислари С.Джуманов, А.Авлақулов каби олимлар томонидан МХХСга ўтишда операцион фаолият ҳисобини ташкил этиш ва уни такоиллаштириш барча мамлакатлар учун долзарб масала бўлиб қолаётганлиги [4], шунингдек, халқаро стандартларга

ўтишдан асосий мақсад халқаро бозорга чиқиш ҳамда инвестицияларни жалб этиш, ҳамда бу жараёнда қулай инвестицион муҳит, компаниялар фаолияти очиклиги, бошқарувнинг акциядорлар олдидаги маҳсулотлар ва хизматлар таннархини пасайтириш бўйича ҳисобдорлиги, корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларининг жорий қилиниши акциядорлик жамиятларининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшиши [7] тадқиқ этилган ва илмий асослаб берилган.

Таъкидлаш жоизки, МХХС асосида операцион фаолият ҳисобини ташкил этиш методиксини ўрганиш молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асосларида (Framework for the Preparation of Financial Statements) белгиланган принциплардан бошланиши керак. Ушбу ҳужжат стандарт ҳисобланмайди ва рақамга эга эмас, аммо МХХСни тушуниш учун операцион фаолият ҳисобини ташкил этиш билан боғлиқ дастлабки тушунчаларни аниқ асосларни ўз ичига олишини ўрганиш лозим [4]. Бунда келтирилган операцион фаолият ҳисобини ташкил этиш принциплари ҳисоб концепцияларига асосланади¹. Молиявий ҳисоботдаги ахборотларнинг ишончилиги ички ва ташқи фойдаланувчиларга ҳўжалик юритувчи субъектларнинг операцион, инвестицион ҳамда молиявий фаолиятидаги келажакдаги пул оқимларини прогнозлаш ва шу асосда муҳим иқтисодий қарорларни қабул қилишга имконият яратади.

Шу билан бирга, операцион фаолият ҳисобини ташкил этишда мавжуд айрим муаммолар ва операцион фаолиятни аудитдан ўтказишнинг янада соддалаштириш, корпоратив бошқарув тизими сифатини яхшиланишига ҳамда

¹ Framework for the Preparation and Presentation of

Financial Statements. www.iasplus.com.

профессионал бухгалтерия ҳисоби ва аудит хизматларининг сифатини оширишга зарурат туғилмоқда қилиб келмоқда.

Бироқ, ушбу илмий ишларнинг аксариятида операцион фаолият ҳисобини ташкил этишнинг айрим жиҳатларигина ўрганилган, муаммолар тўлиқ камраб олинмаган. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш кичик саноат зоналари мисолида ушбу масалалар умуман тадқиқ этилмаган. Мазкур муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал этишнинг зарурлиги ушбу операцион фаолият ҳисобини ташкил этиш йўналишидаги илмий тадқиқотлар олиб боришнинг зарурлигини белгилаб беради.

Натижалар. Илмий тадқиқотни амалга оширишда операцион фаолият ҳисобини ташкил этиш масалалари билан боғлиқ долзарб масалалар борасидаги иқтисодчи-олимларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда ҳулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Мунозара. Операцион фаолият ҳисоби жуда кенг кўламдаги ишлар йиғиндиси ҳисобланиб, ўрганиш жараёнида коэффицентлар усулини қўллаш таҳлилий ишларнинг сифатини, тушунарлилик даражасини ошириши ва энг асосийси, вақтдан ютиш имконини бериши мумкин. Шу ўринда иқтисодий таҳлил бўйича адабиётларида коэффицентларнинг жуда кўп турлари кўрсатиб ўтилган бўлсада, уларнинг фаолият турлари бўйича таснифланмаганлиги фойдаланувчилар учун биров тушунарсиз ҳолатларни юзага келтириши мумкин. Шу туфайли, операцион фаолият ҳисобини

ўрганишимизда биз унинг иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан мақсади, вазифаларидан ва таҳлил натижаларидан фойдаланувчиларни мақсадларидан келиб чиқиб, таснифланишини ҳам ўрганишни тавсия қиламиз.

Шу ўринда операцион фаолият ҳисобининг асосининг у билан боғлиқ харажатлар ташкил қилади. Бунда бизнинг норматив ҳужжатларда давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади: бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар тушунилиш келтириб ўтилган[3].

Операцион фаолият – бу иқтисодий фаолиятнинг умумий таснифи бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг инвестиция ва молиявий фаолиятдан ташқари асосий даромад келтирувчи фаолиятдир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг операцион фаолияти таҳлили – хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий фаолиятнинг умумий таснифи бўйича белгиланган асосий фаолиятида бизнесни ташкил этиш ва олиб боришда иқтисодий ресурслар билан етарли таъминланиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали харажатлар-ҳажм-фойда ўртасидаги ижобий мутаносибликни таъминлашда амалга ошириладиган ишлар мажмуидир.

Операцион фаолиятининг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9300) сифатида асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари бўйича таснифланиши тавсия этамиз. Бунда асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади (1-жадвал).

1-жадвал

Оперцион фаолиятда асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш счётлари²

№	Умумлаштириш счётлари	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари номланиши
1.	9310	“Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда”;
2.	9320	“Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда”;
3.	9330	“Ундирилган жарима, пеня ва устамалар”;
4.	9340	“Ўтган йиллар фойдалари”;
5.	9350	“Қисқа муддатли ижарадан даромадлар”;
6.	9360	“Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар”;
7.	9370	“Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари”;
8.	9380	“Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам”;
9.	9390	“Бошқа операцион даромадлар”.

Бунда ҳисобот даврининг охирида асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда суммаси 9310 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда” счётининг кредитида 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” счёти билан боғланган ҳолда акс эттириш тавсия этилади[6]. Шунингдек ҳисобот даврининг охирида бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда суммаси 9320 “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда” счётининг кредитида 9220 “Бошқа активларнинг чиқиб кетиши” счёти билан боғланган ҳолда акс эттиришлозим.

Операцион фаолият ҳисобида ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган сотиш харажатлари, бошқарув харажатлари, бошқа операцион харажатлар, шунингдек келгусида солиқ солинадиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари ҳам алоҳида аналитек ва синтетик счётлар асосида юритиш тавсия этилади. Бунда операцион фаолият ҳисобида харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади (2-жадвал).

2-жадвал

Оперцион фаолият харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш счётлари³

№	Умумлаштириш счётлари	Оперцион харажатларни номланиши
1.	9410	“Сотиш харажатлари”;
2.	9420	“Маъмурий харажатлар”;
3.	9430	“Бошқа операцион харажатлар”;
4.	9440	“Келгусида солиқ солинадиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари”.

² Муаллиф томонидан тайёрланган.

³ Муаллиф томонидан тайёрланган.

Операцион фаолият харажатларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом билан тартибга солинади [3].

Шунингдек хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракатини ҳисоботини аниқ тўлдиришда қуйидаги усуллардан бирини қўллаган ҳолда рамиёлаштириш тавсия этилади⁴:

а) бевосита усул, бунда пул маблағларининг ялпи тушумлари ва ялпи тўловларининг асосий турлари ёритиб берилади;

б) билвосита усул, бунда операцион фаолиятдан соф пул оқимлари соф фойда (зарар)ни пулсиз операцияларнинг таъсирини ва ҳар қандай кечиктирилган ёки ҳисобланган ўтган ёки келгуси даврга тегишли операцион пул маблағлари тушумлари ёки тўловларини, ҳамда инвестиция ёки молиявий пул оқимлари билан боғлиқ даромад ёки харажат моддаларини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритиш орқали аниқланади.

а) Бевосита усул қўлланганда, пул маблағларининг ялпи тушумлари ва ялпи тўловларининг асосий синфлари тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги йўллар билан олиш мумкин:

-ташкilotнинг бухгалтерия ҳисоби ёзувларидан;

-молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган сотишдан тушум, сотиш таннари (молиявий ташкilotлар учун фоизлар ва шунга ўхшаш даромадлар ҳамда фоиз

харажатлари ва шунга ўхшаш харажатлар) ва бошқа моддаларни қуйидагилар бўйича тузатиш орқали:

-давр мобайнида товар-моддий захиралардаги ва жорий дебиторлик ва кредиторлик қарзларидаги ўзгаришлар;

бошқа пулсиз моддалар;

-инвестиция ёки молиявий фаолият бўйича пул оқимларини келтириб чиқарадиган бошқа моддалар.

б) Билвосита усул қўлланганда, операцион фаолият бўйича соф пул оқимлари фойда ёки зарарни қуйидагиларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда тузатиш орқали аниқланади:

-давр мобайнида товар-моддий захиралардаги, жорий дебиторлик ва кредиторлик қарзларидаги ўзгаришлар;

-эскириш, баҳоланган мажбурият, кечиктирилган солиқлар реализация қилинмаган ижобий ва салбий курс фарқлари, шунингдек таъсир остидаги ташкilotларнинг тақсимланмаган фойдаси каби пулсиз моддалар;

-инвестиция ёки молиявий фаолият бўйича пул оқимларини келтириб чиқарадиган бошқа моддалар.

Муқобил равишда операцион фаолият бўйича соф пул оқимларини молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ёритилган тушумлар ва харажатларни акс эттириш ҳамда давр мобайнида товар-моддий захиралардаги ва жорий дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларидаги ўзгаришларни акс эттириш орқали билвосита усулда тақдим этиш тавсия этилади.

Хулоса.

Молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида операцион фаолият ҳисобини ташкilot этишнинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги хулосалар

⁴Муаллиф томонидан тайёрланган.

шакллантирилди:

1. Кичик саноат зоналаридаги ишлаб чиқариш субъектларида операцион фаолият ҳисобини ташкил этишнинг заруратига асосланиб ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва унинг моҳияти ҳамда иқтисодий таснифини ўзида мужассам этган элементлари, тамойиллари, тартиби, босқичлари ва молиявий ахборотдан фойдаланувчилар таркиби аниқ киритиш тавсия этилади.

2. Операцион, инвестиция ёки молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимлари нетто асосда тақдим этилиши қўйидагича тавсия этила:

-пул оқимлари ташкилотнинг эмас, балки харидорнинг фаолиятини акс эттирган ҳолда, харидорлар номидан пул маблағларининг келиб тушиши ва тўлови;

-айланма даври қисқа, йирик суммадаги ва сўндириш муддати қисқа бўлган моддалар бўйича пул маблағлари келиб тушиши ва тўлови.

3. Йирик солиқ тўловчи компанияларда молиявий ташкилотларнинг қўйидаги фаолиятлардан келиб чиқадиган пул оқимлари ҳисоботда нетто асосда тақдим этилиши мумкин:

-депозитларни жойлаштириш ва уларни қайтариб олиш;

-харидорларга тақдим этилган

аванс пул маблағлари ва қарзлар ҳамда ушбу аванслар ва қарзларнинг қайтарилиши кабилар.

4. Бугунги кунда рақобат тобора кучайиб бораётган бир шароитда тижорат ташкилотлари ўз бизнесларини юритиш учун замонавий, юқори технологияли ускуналарга муҳтожлиги ошиб бормоқда. Аксарият тижорат ташкилотларида зарур активларни сотиб олиш учун етарли молиявий ресурслари мавжуд эмас, шунинг учун операцион фаолиятда лизинг фаолиятини амалга ошириш бу муаммога ечим сифатида таклиф қилинади. Ушбу операцион лизинг тижорат ташкилотларига ускунани тўлиқ сотиб олишдан кўра анча кам молиявий ресурслар сарфлаган ҳолда активлардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш имконини беради.

5. Шундан келиб чиқиб, келгусида операцион фаолият ҳисобини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш учун кадрлар тайёрлаш масаласида бакалавриятнинг тегишли таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари учун "IT-бухгалтер-аудитор" таълим йўналиши ҳамда мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш тавсия этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун, ЎРҚ №404, 13.04.2021 й. www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-282-сон қарори, 15 сентябр 2025 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сон қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом, 5-февраль 1999 йил.

4. Джуманов С.А. Молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида



компиляция қилиш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. -56 б.

5. Khojiyev M.S. Integration of Uzbekistan into the world economic community within the framework of audit standardization based on international financial reporting standards. (Scopus) Journal of critical reviews. Vol 7, Issue 11, 2020: page 433-436 doi:10.31838/jcr.07.11.77. <http://www.jcreview.com/?mno=117731>.

6. Mekhriddin Sulaymonovich Khojiev. Improving audit of financial statements in non-state non-profit organizations/ American Journal of Economics and Business Management/ISSN: 2576-5973 Vol.6, No.9, 2023 September

7. Авлокулов А.З. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий натижалар кўрсаткичларини акс эттириш хусусиятлари.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил.